

БИЛИМГА ТАШНА, ЯНГИЛИККА ИНТИЛУВЧАН, АЗМУ ШИЖОАТЛИ
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИПрезидентимиз Шавкат Мирзиёев 30 июнь куни Олимпия шаҳарчасида фаол ва ташаббускор
йигит-қизлар билан мулоқот қилиб, бир гуруҳ ёшларга давлат мукофотларини топширди.

Президентимизнинг ёшлар билан учрашуви мамлакатимиз тараққиёти ва келажаги учун гоёат муҳим. Зотан, мазкур анжуман доирасида баркамол авлод тақдирига доир масалалар кўтарилиб, ташаббуслар илгари сурилиши баробарида мамлакат келажагига дахлдор кўплаб вазифалар белгилаб олинади. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг олтимиш фоизидан кўпроғи ёшлардан иборатлигини инобатга

олсак, бу биз учун ўта долзарб жараён экани ойдинлашади.

Шу боис, янги Ўзбекистонда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилади, уларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Давлатимиз раҳбари қаерга ташриф буюрмасин, ёшлар тақдирини билан қизиқиб, мавжуд масалаларга ечим топиб беради. Уларнинг ўқиши, касб эгаллаши, ишлаши учун қулай шарт-шароит яратлади.

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан ўтказиб келинаётган мулоқот эса аynи шу йўналишдаги ишларга ўзгача шижоат бағишлайди. Ёшларга куч ва рағбат беради. Чунки мулоқот жонли кечади. Ёшлар тўғридан тўғри давлатимиз раҳбари ҳузурида таклиф айтиш имкониятига эга бўлади. Юзма-юз мулоқотнинг самараси ҳам мутлақо бошқача. Учрашув Ўзбекистон ёшлари учун ноёб имкониятлар эшигини очади.



Галдаги мулоқот ҳам аynи шу жиҳати билан алоҳида ажралиб турди. Учрашув тафсилотида батафсил тўхталишдан олдин мулоқот ўтказилган манзилга эътибор қаратмоқчимиз.

Олимпия шаҳарчаси янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик қудратини намоиш этувчи йирик лойиҳалардан. Юз гектардан ортиқ ҳудудда қад ростлаган шаҳарчада велодром, футбол ва енгил

атлетикага мўлжалланган марказий стадион, сув спорти мажмуаси, жамоавий ўйин турлари ҳамда яккакураш спорти турларига ихтисослаштирилган мажмуалар жойлашган. Шунингдек, бу ерда олимпия спорт турлари бўйича федерациялар ва бошқа спорт ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Ёшлар ва спорт мамлакатни дунёга энг тез танитувчи восита эканини инобатга

олсак, мулоқотнинг айнан ушбу шаҳарчада ташкил этилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор, назаримизда. Янги Олимпия шаҳарчаси ва янги Ўзбекистон ёшлари — бир-бирини тўлдирувчи икки устун. Спорт куч-қудрат тимсоли бўлса, ёшлик фасли инсон умрининг қувватлаиш ҳолидир.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Азиз ёшлар!

Қадрли ўғил-қизларим!

Сизлар билан ислохотларимизнинг илк давридан бошлаб шаклланган яхши анъанамизга кўра, бугун — Ёшлар кунига яна бир бор учрашиб турганимдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларини ушбу кутлуг байрам билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Биз ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқаришни ислохотларимизнинг дастлабки кунларидан давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида амалга ошириб келмоқдамиз. Шу мақсадда ҳар бир маҳаллада ўғил-қизларимизнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, уларга

кўмакчи бўладиган ёшлар етакчилари корпусини шакллантирдик.

Ёшларнинг таълим-тарбияси, бандлиги, маънавияти, вақтини мазмунли ўтказишига Давлат хавфсизлик хизматини (Б.Курбон) вилоят ва туманлардаги тизими билан бирга масъул этиб белгиладик.

Навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга садоқат, катталарга ҳурмат ва эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш мақсадида нуруний отахон ва онахонларимизнинг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланишни кенг йўлга қўйдик.

Мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини Ёшлар куни деб эълон қилиб, барча вазирлик ва идораларни ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларга ечим топиш масаласига тўлиқ сафарбар этдик.

Мана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли юртимизда ёшлар билан ишлаш

муҳити тубдан ўзгарди. Хусусан, билим олиш, касб-хунар эгаллаш, тил ўрганиш, иш топиш ва бизнесни бошлашда қийинчиликка учраган 1,5 миллион нафар йигит-қизнинг муаммоси “Ёшлар дафтари” орқали ҳал қилинди; алоҳида дастурлар асосида жозибадор бизнес муҳити ва имтиёзли ресурслар яратиб берганимиз ҳисобидан ёш тадбиркорлар сони 5 карра ортиб, 287 минг нафардан ошди; ўқув марказларини кўпайтириш бўйича қулай шароит яратганимиз учун хорижий тилларни интенсив ўрганаётган ўғил-қизларимиз 3,5 миллион нафарга етди; иқтидорли ўқувчи ва талабаларимиз нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда 2 минг 245 та медални қўлга киритди; тарбияси оғир ёшларни ҳуқуқ-тартибот идоралари ва ҳокимларга бириктирганимиз учун

икки йилда ёшлар ўртасида жиноятчилик 2,5 карра камайди.

Албатта, бу — ёшлар билан боглиқ барча масалалар ҳал бўлди, дегани эмас. Давлат хавфсизлик хизмати (Б.Курбон), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев), Маҳаллалар уюшмаси (Қ.Қуронбоев), вазирлар, уларнинг вилоят ва туманлардаги тизими, ҳокимлар, ректорлар, техникум ва мактаб директорлари ёшларнинг муаммоси, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари бўйича тинимсиз ишлаши керак.

Бош вазир А.Арипов ҳар бир вазир, ҳоким, тармоқ ва банк раҳбари ёшлар масаласида қандай ишлаётганини қаттиқ назорат қилиб, ҳар ойда масъуллардан бу борада ҳисобот олиб боради.

Ўтган ҳафта Наманганга амалга оширган ташрифим давомида Давлат хавфсиз-

лик хизмати вилоят бошқармаси раҳбари Абдурауф Жуманов энг оғир маҳаллаларда ёшлар муаммолари бўйича таҳлил маркази, “Бир ой — тўртта маҳалла” лойиҳаси, “маҳалла устози” тизими ва техникумларни оталиққа олиш ҳақидаги ўз ташаббуслари тўғрисида ахборот берди.

Бу ташаббуслар менга жуда маъқул. Энди ҳар бир вилоят давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси раҳбари, шаҳар ва туман ҳокимлари ёшлар билан ишлаш бўйича ўзларининг ана шундай тажрибаларини яратиши зарур.

Яхши натижаларга эришган раҳбарларга йил якунида ва келгуси йил Ёшлар куни арафасида ойлик маошига алоҳида устама ва давлат мукофотлари берамиз. Кўрсаткичлари паст, янгиликка интилмаган ҳудуд раҳбарларига нисбатан эса қаттиқ чора кўрилади.

Азиз фарзандларим!

Бир ҳақиқатни билиб олинглар, бугунги кунда давлатлар ҳудуди билан эмас — билими билан, аҳоли сони билан эмас — технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас — инсон капитали билан рақобатга киришмоқда.

Энди замонавий илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги иқтисодиёт — билимлар иқтисодиёти ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

Мен биламан, ўғил-қизларимизнинг ҳар бирида катта салоҳият, истеъдод ва иқтидор бор. Сизлар ўз даврида буюк кашфиётлари билан дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган, Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг “ақл чироғи” бўлган буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларисиз.

Давоми 2-бетда

МУНОСИБ РАҒБАТ КАТТА КУЧ ВА
ИЛҲОМ БАҒИШЛАЙДИ

Бугун мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва билдирилаётган ишонч жуда юқори. Айниқса, Президент мактаблари бераётган имкониятлар илм-фандаги қудратимизни бутун дунёга танитяпти. Чунки бу тизимда иқтидорли тенгдошлар ўртасида соғлом рақобат уйғониб. Олимпиадалар, ҳар хил танловлар ўтказилляпти. Илмий лойиҳаларда ҳам ўқувчилар бир-бири билан соғлом рақобатлашаётгани айни мудида. Замонавий лабораториялар, АТ синфлари ўқувчиларни яхши натижага етаклайди. Дарсдан ташқари тўғараклар эса билимни янада чархлайди.

Давоми 3-бетда

АНДИЖОН — ТУРКИЙ ОЛАМ

МАДАНИЯТИНИНГ ЮРАГИ

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЯНА БИР

ЮКСАК ЭЪТИРОФ


НУҚТАИ НАЗАР

5

Бунёд МАМАРАҲИМОВ,
Лалмикор деҳқончилик
илмий-тадқиқот
институти директори



“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида ўтаётган “Мустақиллик тўйи” фестивалининг Ҳазрат Навоий номи билан аталган вилоятдан бошланганида рамзий маъно бор. Зеро, вилоят меҳнаткашлари кейинги йилларда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришиб келмоқда. Республика Маънавият ва маърифат маркази экспертлар гуруҳи раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор Абдухалил Маврулов бошчилигидаги олимлар, адаблар, театр ва кино санъатимиз даргалари шаҳар марказида қад ростлаган Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Айнан шу ердан куй ва ғазал наволари, шеърият шуури ила “Мустақиллик тўйи” тантаналари бошланди.



орзулари, Яратганга дуоларни илтижолари тажассум топган. Мени авайланг! Мен энди донишманд элнинг муҳташам бинолари, маърифат масканлари, табаррук зиёратгоҳларига зеб бераман”, деяётгандек.
Ҳа, Ҳозгоннинг оқ, қора, қулранг мрамарлари Аллоҳнинг ўзбекка берган мўъжизасидир.
“Мрамаробод” МЧЖнинг кириш жойидаги мрамар лавҳага: “Ушбу мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил Навоий вилояти Ҳозгон шаҳрига таширифи давомида қилинган тарихий та-



Зулфия МЎМИНОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси, Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

Шундан сўнг тарғибот гуруҳи вакиллари вилоятнинг барча туманлари, шаҳарлари томон йўл олди.
Бу жаннатомонанд юртни боболаримиз бежиз макон тутмаган. Яратган ушбу замин тупроғига илоҳий мўъжизалар тортиқ этган. Не-не авлиёлар ва аллоمالарга бешик бўлган бу юртнинг таърифи дostonларга сиймайди.

Нуротанинг бебаҳо меъморий обидалари, Сармишсой қоятошларидаги суратлар, Учтут чамқоқтош конлари, Работи Малик сардобаси, қарвонсаройлар ила тарих саҳифаларидан ўрин олган юрtdир бу. Милодий ўн учинчи асрлардан садо берувчи Бурқуттепа кўргони харобаси, XI асрдан мерос шайх Мир Саид Баҳром макбараси, Мавлоно Ориф Дегтарон масжиди, Ҳозгон шаҳарчасидаги Шоҳимардон, Қизилтепанинг Вангози қишлоғидаги Тошмаскид меъморий мажмуалари, Хатирчи ва Навбаҳор туманларидаги Лангар, Сангижумон, Оқсоқолта каби турли кўринишдаги шақаларга бой мўҳлизалар билан қадимдан инсониятни ҳайратга солиб келган.

Бунда яшаб ижод қилган не-не бахшилар, Томди, Учқудуқ, Қонимехда кўбиз чалиб, она заминга меҳрини изҳор этган оқинлар ва жировларнинг диловар овозлари вилоят бағрида мангу қўшиқ бўлиб яшайди.

Навоий вилоятини бугунги кунимизнинг энг навқирон маскани деймиз. Инновация ва юқори технологиялар шиддат билан ривожланаётган, рақобатда дунёнинг етакчи компанияларини орtdа қолдираётган ақл-идрокли ёшлар яшаётган муаззам юрт деб таъриф этамиз.

Вилоятнинг тупроғи Менделеев жадвалидаги барча маъданларга эга. Ери остида ҳисобсиз бойликлар болалаб ётган бўлса, бу заминнинг устидаги хазинаси бебаҳо одамлари, иқтидорли ёшларидир.
Хатирчи туманидаги Тамабаҳрин маҳалласи бугун республикамиз олий таълимига ўқувчиларни тайёрлаш бўйича ном қозонган. Ҳар йили маҳалладаги мактабларни тугатган ўқувчиларнинг 90-95 фоизи олий ўқув юр்தларига киришмоқда.

Бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган “Яхшилик қарвони” лойиҳаси фестивалнинг энг таъсирли ташаббусларидан бири. Лойиҳа доирасида маънавият тарғиботчилари Томди, Навбаҳор, Қармана ва Учқудуқ туманларидаги қатор маҳалла ҳамда овуларда бўлиб, меҳнат фахрийлари, нурунийлар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олди. Бу учрашувлар инсон қадрини улғулаш, кескаларга эҳтиром ва эҳтиёжмандларга меҳр кўрсатиш каби эзгу қадриятларни яна бир бор намоён этди.

“МУСТАҚИЛЛИК ТЎЙИ” БОШЛАНДИ

Фестиваль доирасида вилоятнинг завод, корхона ва конларида самарали меҳнат қилиб, ўз билим ва тажрибаси билан мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган ишчи-ҳодимлар учун “Шукроналик” маърифий учрашувлари ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги тараққиёт ва бунёдкорлик жараёнларида ҳар бир фуқаро ўзини ислохотларнинг фаол иштирокисчи сифатида ҳис этмоқда. “Шукроналик” учрашувлари ана шу бирдамлик, миннатдорлик ва келажакка ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Янги Ўзбекистон ривожининг энг муҳим вазифаларидан бири саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни либераллаштириш, трансформация жараёнларини яқунлашдан иборат. Зеро, трансформациялаш қўлай инвестиция муҳитини яратиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, харажатларни камайтириш ҳисобига даромадларни ошириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришни назарда тутди.

Ҳаламиздаги икки мактаб мукаммал таъмирланди. Энг қувончлиси, маҳалланинг муҳташам биносига эга бўлди. Бино ичи замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Ҳокимлик маҳалламиз кутубхонасига 1 минг 200 та китоб совға қилди...
Биз маҳалла фаоллари билан бирга ёз ошомининг салқин ҳавосидан нафас олаётган боққа бориб, мўъжизага дуч келдик. Катта бог ичида таърифиға сўз ожиз катталиқдаги туллар япроқларини кўз-кўз қилиб турибди. Асфальт йўлақлар четида турфа гуллар кеч қишгача гуллаб ётар экан.

“Бу туллар жуда қадимий эканини боболаримиз айттар эди. Бир вақтлар бидъатга берилган одамлар тут шоҳларига турли латталар осиб кетадиган бўлди. Биз улаомларимиз билан бунга дарҳол чек қўйдик”, дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Аҳаджон Аҳмедов.

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.

Президентимиз эълон қилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида иштирок этаётган вилоят ақли баҳорининг ҳар кунинда минг-минглаб кўчатларни она замин бағрига қадади.
Тинимсиз қурилишлар авж олганда ҳам Навоий вилояти ақли дарахтқушликка йўл қўймади. Шаҳар кишин-ёзин яшил дарахтлар қуршовида.
“Мустақиллик тўйи” фестивали доирасида туманлар ва улардаги маҳаллаларни

Президентимиз эълон қилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида иштирок этаётган вилоят ақли баҳорининг ҳар кунинда минг-минглаб кўчатларни она замин бағрига қадади.
Тинимсиз қурилишлар авж олганда ҳам Навоий вилояти ақли дарахтқушликка йўл қўймади. Шаҳар кишин-ёзин яшил дарахтлар қуршовида.
“Мустақиллик тўйи” фестивали доирасида туманлар ва улардаги маҳаллаларни

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.
Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.

Учтулларлар бу улугвор дарахтлари билан фахрланади. Албатта, мамлакат арийди-да, не-не замонларни кўрган бу туллар, не-не азиз инсонлар бу туллар тағида суҳбатлар курган, ниятлар қилган.



да давлатимиз раҳбарининг сиёсий жасорати, она Ватанга садоқати, халқимизга меҳру муҳаббат туйғуси ётибди”, деди у.
Инсоннинг билим ва тарбия олишида китобнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам комбинат порталида корхона тасарруфида бўлган 11 та кутубхона ва Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети ҳамда Тошкент давлат техника университети Навоий филиали кутубхоналаридаги мавжуд илмий-техникалий, бадиий китоб ва журналлар, 150 мингта яқин манбанинг электрон нусхаларини ўзида жамлаган кутубхона ташкил этилган.

Кейинги йилларда комбинатнинг шаҳардаги нуфузли олийгоҳлар ва техникумлар билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги ёш кадрлар етиштиришда катта имконият яратди. Бунинг ҳисобига ҳар йили ушбу муассасалардан юзлаб ёш мутахассислар комбинатга келиб ишламоқда. Уларга бошқарув ишониб топшириляпти. Айни пайтда комбинатнинг қарийб барча гидрометаллургия заводлари, конлари ва бошқа муҳим йўналишларини, замонавий техника ҳамда технологияларни 30-40 ёшли кадрлар бошқармоқда.

Мамлакатнинг ер остидаги хазинаси олтин кумушлари, жавоҳиротлари бўлса, ер устидаги хазинаси унинг ақли одамларидир. Ақли одамлар богчаларда, мактабларда, олий ўқув юр்தларида тарбияланади.

Мамлакатимизнинг энг йирик мрамар конлари Нурота туманининг Ҳозгонда жойлашган. “Мустақиллик тўйи” фестивалининг кейинги манзили Ҳозгон шаҳри бўлди.

Мамлакатимизнинг энг йирик мрамар конлари Нурота туманининг Ҳозгонда жойлашган. “Мустақиллик тўйи” фестивалининг кейинги манзили Ҳозгон шаҳри бўлди.

Бугунги кунда мазкур илм хазинасидан комбинат мутахассислари билан бир қаторда ҳар иккала олий ўқув юр்தининг профессор-ўқитувчилари, магистр ва талабалари ҳам фойдаланмоқда.
Кейинги йилларда комбинатнинг шаҳардаги нуфузли олийгоҳлар ва техникумлар билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги ёш кадрлар етиштиришда катта имконият яратди. Бунинг ҳисобига ҳар йили ушбу муассасалардан юзлаб ёш мутахассислар комбинатга келиб ишламоқда. Уларга бошқарув ишониб топшириляпти. Айни пайтда комбинатнинг қарийб барча гидрометаллургия заводлари, конлари ва бошқа муҳим йўналишларини, замонавий техника ҳамда технологияларни 30-40 ёшли кадрлар бошқармоқда.

Бугунги кунда мазкур илм хазинасидан комбинат мутахассислари билан бир қаторда ҳар иккала олий ўқув юр்தининг профессор-ўқитувчилари, магистр ва талабалари ҳам фойдаланмоқда.
Кейинги йилларда комбинатнинг шаҳардаги нуфузли олийгоҳлар ва техникумлар билан йўлга қўйган самарали ҳамкорлиги ёш кадрлар етиштиришда катта имконият яратди. Бунинг ҳисобига ҳар йили ушбу муассасалардан юзлаб ёш мутахассислар комбинатга келиб ишламоқда. Уларга бошқарув ишониб топшириляпти. Айни пайтда комбинатнинг қарийб барча гидрометаллургия заводлари, конлари ва бошқа муҳим йўналишларини, замонавий техника ҳамда технологияларни 30-40 ёшли кадрлар бошқармоқда.

Навоий шаҳрида Бухоро вилояти Қорақўл туманида жойлашган, математика фанига ихтисослаштирилган халқро мактаб-интернат билан ҳамкорликда математика, физика ва инглиз тилига ихтисослашган 360 ўринли мактаб-интернат ташкил этилибди. Ўқув муассасаси билан танишар эканмиз, энг асосийси — ўқитувчиларнинг саралангани диққатимизни тортиди. Ҳар бир синфхоналарга ўрнатилган кузатув камералари орқали мактаб раҳбарияти ва хоҳлаган ота-она дарс жараёнини кузатиши мумкин. Хуллас, бу мактабда математика, физика, кимё, биология фанларининг иқтидорли ўстозлари шу фанларга қизиқувчи ўқувчиларга илм сирларини ўргатмоқда.

Навоий шаҳрида 2021 йилда иш бошлаган Президент мактаби бугун мамлакатимизнинг энг илгор таълим даргоҳлари қаторига кирди. Айни пайтда мактабда 144 ўқувчи таҳсил олмақда. Уларга 35 ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан чоп этилган “Устозга эҳтиром” ва “Фидойи директорлар” китоб-альбомида Навоий шаҳридаги 11-умумтаълим мактаби директори Гулнора Жуманиёзова фаолияти ҳам ёритилган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Т-646. 29609 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов Мусаҳҳих: Акбар Қаршиев Дизайнер: Хуришд Абдуллаев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй ЎЗА яқуни — 00:15 Топирилди — 01:00
Қабулхона: (71) 233-56-33 Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98	E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05	Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60	“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.	